

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2022 йил март ойининг 17 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья М.Ахмедов,

Ҳайъат судьялари Д.Дадаханова ва О.Қличевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Косимовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Назаров, судланган ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Файзиевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2022 йил 3 февралдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED], 1997 йил 5 ноябрь куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишламайди, муқаддам судланган;

1) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 10 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 9 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2018 йил 11 октябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 3 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 10 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60,62-моддаларига асосан 2 йил 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 4 октябрдаги ажримига кўра ўталмаган 2 йил 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 7 январдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича



Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 4 октябрдаги ажрими бекор қилиниб, ўташ учун 1 йил 9 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган;

4) жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида 2 йил 5 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг 2021 йил 16 март кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

б) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддалари тартибида узил-кесил 3 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

б) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, “Мир-Саид-Барака” МФЙ, “Бенкова” кўчаси 5-уйда истиқомат қилган, иш бўйича “қамокда сақлаш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2021 йил 12 майдан қамокда сақланаётганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланган томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрь кундаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан 5 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2021 йил 20 апрель куни хавфли рецидивист бўлгани ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани “КХАЙ” кўчасидаги “Ali-baba” номли эркаклар кийим-кечак дўкони ичида



бўла туриб, шу ерда бўлган дўкон сотувчиси К.Собировнинг ишончига кириб, 1 хафта ичида пулларини тўлаб беришни ваъда қилиб, К.Собировдан дўконда сотувдаги 1 дона нархи 320.000 сўмлик эркаклар оёқ кийими, 1 дона нархи 215.000 сўмлик эркаклар шими, ҳар бирининг нархи 170.000 сўмлик 2 дона эркаклар футболкаси, ҳар бирининг нархи 195.000 сўмлик 2 дона эркаклар атири, 1 дона нархи 329.000 сўмлик эркаклар жакети, жаъми бўлиб 1.594.000 сўмлик эркаклар кийим-кечакларини қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармаган.

Судланган апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан унга нисбатан бир қадар оғир жазо тайинлаганлиги, уни қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ахволини инобатга олиб, тайинланган жазони енгиллаштиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья О.Қличевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Назаровнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Файзиевларнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қўйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланган нинг жиноят содир этишдаги айби, ни ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, ашёвий далилни кўздан кечириш баённомаси, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи инстанция суди судланган нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан суд ҳукмининг асослантириш қисмида га ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрь кунидаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан жарима жазоси тайинланиши лозим деб топади деб техник хатоликка йўл қўйганлиги сабабли суд ҳукмини асослантириш қисмига аниқлик киритиб, “озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши лозим” деб тўғрилаб ўқишни.

Биринчи инстанция суди томонидан га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо



тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қароридаги тушинтиришларига амал қилиб, унинг қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрь кунидаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб тўғри хулосага келганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁶, 497¹⁷, 497¹⁸, 497¹⁹, 497²⁰, 497²⁶, 497³¹ моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2022 йил 3 февралдаги [REDACTED] [REDACTED] га оид ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Суд ҳукмининг асослантириш қисмида [REDACTED] га ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 15 октябрь кунидаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши лозим деб тўғрилаб ўқилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд ажримдан норози бўлган тақдирда, тарафлар кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья: /имзо/ **М.Ахмедов**

Ҳайъат судьялари: /имзо/ **Д.Дадаханова**

/имзо/ **О.Қличев**

Аслига тўғри

